

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Атажанов Ўткир Маматсалаевич

Мустақил тадқиқотчи;

Давлатов Ўлмасбек Ғайратжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим

3-ўқув курси 314-гуруҳ курсанти.

Аннотация: *Ушбу мақолада вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалалари ретроспектив ва замонавий ёндашувлар асосида тизимли таҳлил қилинади. Тадқиқотда А.С. Макаренко ва В.А. Сухомлинский каби буюк педагогларнинг мероси тарихий тажриба сифатида ўрганилиб, уларнинг жамоавий тарбия ва шахс ижтимоийлашуви борасидаги ғояларини бугунги профилактика тизимига татбиқ этиш масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, мақолада асоциал субмаданиятнинг ўсмирлар онгига салбий таъсири ҳамда дидактогения ҳолатларининг олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *вояга етмаганлар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ретроспектив таҳлил, профилактика инспектори, асоциал субмаданият, дидактогения, ижтимоийлашув, ташкилий-ҳуқуқий механизм.*

РЕТРОСПЕКТИВНЫЙ АНАЛИЗ ПОВЫШЕНИЯ ПРАВОВОГО СОЗНАНИЯ И ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРЫ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ И СОВРЕМЕННЫЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ МЕХАНИЗМЫ.

Аннотация: *В данной статье проводится системный анализ вопросов повышения правосознания и правовой культуры несовершеннолетних на основе ретроспективного и современного подходов. В исследовании изучается педагогическое наследие А.С. Макаренко и В.А. Сухомлинского как исторический опыт, а также рассматриваются вопросы применения их идей о коллективном воспитании и социализации личности в современной системе профилактики. Кроме того, в статье выдвигаются предложения по совершенствованию организационно-правовых механизмов предотвращения негативного влияния асоциальной субкультуры на сознание подростков и предупреждения случаев дидактогении.*

Ключевые слова: *несовершеннолетние, правосознание, правовая культура, ретроспективный анализ, инспектор профилактики, асоциальная субкультура, дидактогения, социализация, организационно-правовой механизм.*

A RETROSPECTIVE ANALYSIS OF RAISING THE LEGAL AWARENESS AND LEGAL CULTURE OF MINORS AND CONTEMPORARY ORGANIZATIONAL AND LEGAL MECHANISMS.

Abstract: *This article provides a systemic analysis of increasing the legal consciousness and legal culture of minors based on retrospective and modern approaches. The study examines the pedagogical heritage of A.S. Makarenko and V.A. Sukhomlinsky as historical experience and considers the application of their ideas on collective education and personality socialization in the modern prevention system. Furthermore, the article puts forward proposals for improving organizational and legal mechanisms to prevent the negative impact of asocial subcultures on the minds of adolescents and to avoid cases of didactogeny.*

Keywords: *minors, legal consciousness, legal culture, retrospective analysis, prevention inspector, asocial subculture, didactogeny, socialization, organizational and legal mechanism.*

Жамиятнинг эртанги қиёфасини белгиловчи вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва барқарор ҳуқуқий тизимни барпо этишнинг фундаментал шарти ҳисобланади.

Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларда қонунга ҳурмат руҳини шакллантириш бўйича муҳим қадамлар қўйилди. Бироқ, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш жараёнида бир қатор тизимли муаммолар ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Хусусан, ҳуқуқий тарбиянинг узлуксиз ва тизимли характерга эга эмаслиги, кўп ҳолларда таълимнинг фақат назарий билим бериш билан чекланиб, боланинг ёш хусусиятлари ва психологик ҳолатига мослаштирилмагани асосий камчиликлардан биридир.

Шу билан бирга, институционал ёндашувдаги нуқсонлар туфайли болалар билан ишлашда оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг педагогик салоҳиятидан етарлича фойдаланилмаяпти. Бундан ташқари, ёшлар онгида салбий таъсир этувчи ёт ғоялар ва кибер-жиноятчиликка қарши ички тўсиқ “ҳуқуқий иммунитет”ни шакллантириш ишлари комплекс тарзда олиб борилмаётгани натижасида миллий қадриятларга садоқат ва ҳуқуқбузарликка мурасасизлик механизми оқсамоқда.

Шунингдек, ҳуқуқий саводхонликни оширишга доир вазифаларнинг кўпинча декларатив ва умумий шиорлар кўринишида қолиб кетаётгани, уларни амалга оширишнинг интерактив ва манзилли методлари ишлаб чиқилмагани ҳамда шахсий эркинликлар ва ижтимоий масъулият ўртасидаги мувозанатнинг етарлича тушунтирилмаётгани ёшларда ҳуқуқий нигилизм ва қонун устуворлигига нисбатан бепарқликнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Юқорида баён этилган ҳуқуқий нормалар ва институтларнинг самарадорлиги фақатгина қонунчиликнинг мукамаллиги билан эмас, балки жамият аъзоларининг ушбу нормаларни қандай қабул қилиши ва англаши билан ҳам белгиланади. Шу боис, соҳадаги мавжуд муаммоларнинг ечими ва ислохотларнинг амалий натижадорлигини таъминлаш учун, энг аввало, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият тушунчаларининг моҳияти ҳамда уларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқий онг кишиларнинг амалдаги ва исталган ҳуқуққа, ҳуқуқий ҳодисаларга, шахсларнинг ҳуқуқий соҳадаги хатти-ҳаракатларига бўлган муносабатини ифодаловчи қарашлар, ғоялар, тасаввурлар ва туйғулар йиғиндисиدير. Ҳуқуқий онг иккита асосий элементлар яъни ҳуқуқий идеология ва ҳуқуқий психологиядан ташкил топади. Бунда ҳуқуқий идеология ҳуқуқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий қарашлар, назариялар ва концепциялар (ақлий даража) бўлса, ҳуқуқий психология эса инсонларнинг ҳуқуққа ва қонунларга бўлган ҳис-туйғулари, кайфиятлари ва одатлари (эмоционал даража)дан иборат.

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий онгга нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, жамият ва шахснинг ҳуқуқий ривожланганлик даражасини ифодалайди. У нафақат ҳуқуқни билишни, балки унга амал қилиш, уни ҳурмат қилиш ва ҳуқуқий қадриятларни кундалик ҳаётга татбиқ этиш қобилиятини англатади. Ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисмлари сифатида ҳуқуқий онгнинг юксак даражаси, қонунчиликнинг сифати (мукамал қонунлар), ҳуқуқни қўллаш фаолияти (суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарали иши), қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг жамиятдаги ҳолатини англаш мумкин.

Ушбу тушунчаларнинг фарқларини ҳуқуқий онг бизнинг ҳуқуқ ҳақидаги ўй-фикрларимиз ва туйғуларимиз (ички олам), ҳуқуқий маданият эса ушбу фикрларнинг амалдаги ифодаси, жамиятдаги ҳуқуқий муҳит ва қонунларга бўлган реал ҳурмат (ташқи натижа) эканлигида кўрамиз.

Шундай экан, ҳуқуқий маданият шунчаки назарий билимлар мажмуи эмас, балки шахснинг ички эътиқодига айланган ва унинг кундалик фаолиятида намоён бўладиган ижтимоий ҳодисадир. Ушбу ҳодисанинг шаклланиши, айниқса, вояга етмаганлар мисолида, ташқи таъсир (қонунчилик) ва ички қабул қилиш (психология) ўртасидаги уйғунликни талаб этади. Бинобарин, ёш авлодда ҳуқуқий онгни юксалтириш ва уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳуқуқ нормаларини шунчаки «сингдириш»ни эмас, балки инсоннинг ички дунёсида ушбу қадриятларнинг табиий равишда уйғонишини тақозо этади. Мазкур жараённинг методологик асосларини англаш учун инсон тафаккури ва ҳақиқатни излаш санъатига доир тарихий-фалсафий илдизларга, хусусан, шахснинг ички имкониятларини юзага чиқаришга қаратилган антик давр анъаналарига мурожаат қилиш мантиқан асослидир.

Бу борада қадимги юнон файласуфи Суқрот томонидан асос солинган «майевтика» методи алоҳида эътиборга молик. «Майевтика» (юнунча

ишонтириш) шунчаки педагогик усул эмас, балки инсон онгида яширинган ҳақиқатларни савол-жавоб ва мулоқот орқали юзага чиқариш санъатидир. Сукротнинг фикрича, ҳақиқий билим инсонга ташқаридан сингдирилмайди, балки моҳирлик билан берилган саволлар ёрдамида унинг ўзида шакллантирилади. Бу жараёнда суҳбатдошлар мураккаб ахлоқий тушунчалар (яхшилик, адолат, одоб) устида мушоҳада юритиб, тўғри хулосага келишга йўналтирилади.

Бугунги кунда ушбу классик метод вояга етмаган шахс ва профилактика инспектори ўртасидаги коммуникациянинг когнитив-трансформацион стратегияси сифатида намоён бўлмоқда. Бу стратегиянинг амалий аҳамияти биринчидан, вояга етмаганга тайёр ҳуқуқий нормаларни шунчаки эслатиб ўтмай, балки диалог орқали унинг дунёқарадини ўзгартиришга, қонунбузарликнинг оқибатларини англаб етишига кўмаклашади; иккинчидан, мажбурлов чораларидан кўра, мақсадли қўйилган саволлар орқали шахснинг ички менидаги ижобий сифатларни уйғотиш самаралироқ натижа беради; учинчидан бу усул вояга етмаганларнинг ҳуқуқий маданиятини юзаки эмас, балки ички ишонч сифатида шакллантиришга хизмат қилади.

Афлотуннинг (мил. авв. 427–347 йй.) жазо ҳақидаги қарашларига кўра, жазонинг асосий мақсади қасос олиш эмас, балки инсонни тўғри йўлга қайтариш, яъни уни тарбиялаш ва тузатишдан иборат. У айниқса, болалар ва ўсмирларга нисбатан қўлланиладиган жазо уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги кераклигини муҳим шарт деб ҳисоблайди. Афлотун учун жазо инсонни жамиятдан четлатиш воситаси эмас, балки уни жамият олдидаги масъулиятини англашга ва қайта тиклашга ёрдам берувчи тарбиявий чора ҳисобланади. Шу маънода, унинг ғояларида вояга етмаган ҳуқуқбузарларга нисбатан қўлланиладиган жазо тизимида тикланувчи (ресторатив) адолат тамойилларининг илк кўринишларини кўриш мумкин. Аристотель (мил. авв. 384–322 йй.) томонидан илгари сурилган ахлоқий одатларни эрта ёшдан шакллантириш концепцияси эса замонавий «барвақт профилактика»нинг назарий манбасидир. Аристотель ахлоқийликни назарий билим эмас, балки мунтазам машқлар ва амалий фаолият натижасида ҳосил бўладиган «кўникма» деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, инсон характери унинг ҳаракатлари такрорийлигида шаклланади. Антик давр Афина полиси тарбия тизими шахс камолотининг иерархик ва узвий боғланган босқичларини ўзида мужассам этган яхлит институционал механизм сифатида намоён бўлади. Ушбу тизимнинг мафкуравий негизини Афлотун томонидан асослаб берилган «меъёр» тамойили ташкил этиб, у тарбияда ҳаддан ташқари эркалик ва зўравонлик ўртасидаги мувозанатни сақлаш орқали ижтимоий яроқли шахсни шакллантиришни назарда тутди. Илк ижтимоийлашув давридаги болалар ўйини тизимда шунчаки вақт ўтказиш воситаси эмас, балки бўлажак фуқаронинг ҳуқуқий онгини шакллантирувчи бошланғич механизм ҳисобланган. Афлотуннинг болалар ўйини қоидалари ва давлат қонунларининг барқарорлиги ўртасидаги узвий

алоқадорлик ҳақидаги қарашлари шуни кўрсатадики, ўйиндаги тартиб ва интизом келажакда шахснинг давлат қонунчилигига бўлган муносабатини белгилаб берган. Юнонлар таълим-тарбия жараёнида фақат кучли бўлишни эмас, балки шахснинг ички ва ташқи дунёси мутаносиблигини мақсад қилганлар. Бу тизимнинг марказида калогакатия (инсоннинг ташқи жисмоний гўзаллиги ва ички ахлоқий поклиги, олижаноблигининг уйғунлиги) ғояси турар эди. Ушбу идеалга эришиш учун ҳар бир йигитда агонистика (мусобақалашиш руҳи, беллашувлар орқали ўз кучи ва маҳоратини исботлашга интилиш тамойили) шакллантирилган.

Ёш авлоднинг жисмоний камолоти маълум бир босқичларда ва махсус масканларда амалга оширилган. Масалан, 12 ёшдан ошган ўсмирлар дастлаб палестра (хусусий кураш мактаби бўлиб, у ерда болалар асосан кураш, сакраш ва гимнастика машқларини ўрганишган)да таълим олишган. Кейинчалик, юқорироқ босқичда ва давлат назорати остида гимнасий (ҳам жисмоний машқлар, ҳам файласуфлар билан илмий суҳбатлар ўтказиладиган кенг қамровли давлат таълим маскани)да машғулотларни давом эттиришган. Бу тамойил ўсмирларда жамиятда адолатли рақобат қилиш ва белгиланган меъёрлар доирасида ҳаракат қилиш кўникмасини ҳосил қилишга хизмат қилган. Афина ҳуқуқий тизимида ота-онага ғамхўрлик қилиш нафақат ахлоқий меъёр, балки Солон қонунлари билан мустаҳкамланган қатъий мажбурият ҳисобланган. Ушбу мажбуриятни бузган фуқароларга нисбатан қўлланилувчи «атимия» (фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этиш) санкцияси шахснинг жамиятдаги сиёсий ва ҳуқуқий мақомини бутунлай йўққа чиқарган. Бу тизим шахсий (оилавий) масъулият ва фуқаролик позициясининг ажралмас эканлигини, оилавий муҳитдаги тартиб жамоат тартибининг пойдевори эканлигини исботлайди. Эфебия институти йигитларнинг нафақат ҳарбий маҳоратини ошириш, балки уларни давлат бошқаруви ва суд тизимига интеграция қилиш вазифасини бажарган. Эфеблар ичган қасамёдидаги «давлатни аввалгидан кўра кучлироқ ва яхшироқ ҳолатда қолдириш» банди, бугунги кундаги «барқарор ривожланиш» ва «ижтимоий жавобгарлик» тушунчаларининг илк тарихий кўринишидир.

Шундай қилиб, Афина тарбия модели интеллектуал, эстетик, спорт ва ҳарбий тарбиянинг узвий боғлиқлигига асосланган яхлит гармоник тизимни ташкил этадики, бу тизим вояга етмаганлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда нафақат таъқиқловчи нормалар, балки шахснинг ички маънавий ва жисмоний камолотини уйғун ривожлантириш нақадар муҳимлигини назарий жиҳатдан исботлайди. Спартада бола туғилган лаҳзаданоқ давлат мулки ҳисобланган. Ликург қонунларига кўра, ота-онанинг ўз фарзандини тарбиялаш ҳуқуқи чекланиб, 7 ёшдан бошлаб назорат тўлиқ давлат инспекцияси (Пайдоном) қўлига ўтган. Спарта тизимида ижтимоий назоратнинг энг радикал шакли сифатида Криптияларни (ёш спарталикларнинг илотларга қарши махсус амалиётлари) келтириш мумкин. Бу нафақат ҳарбий машғулот, балки ички хавфсизликни таъминлаш ва потенциал кўзғолонларнинг олдини олишга

қаратилган ўзига хос “профилактик назорат” механизми бўлган. Ушбу механизмнинг энг муҳим назарий жиҳати шундаки, Спартада етти ёшдан бошлаб болани ижтимоийлаштириш функцияси оиладан тўлиқ тортиб олиниб, давлатнинг мутлақ тасарруфига ўтказилган. Бу жараён шахсни шакллантиришнинг индивидуал хусусиятларини эмас, балки давлат хавфсизлиги ва ҳарбий қудрати учун зарур бўлган «бўйсунувчан жангчи» моделини яратишни мақсад қилган.

Ташкилий жиҳатдан бу тизим махсус давлат муассасалари агелалар орқали амалга оширилган бўлиб, ундаги тарбия жараёнини давлат томонидан тайинланган махсус мансабдор шахслар педономлар бошқарган. Спарта тарбия тизимида интеллектуал ривожланиш минимал даражада чекланган бўлиб, асосий урғу жисмоний чидамлилик ва қатъий интизомга қаратилган.

Назарий жиҳатдан Спарта моделида ҳуқуқий онг «сўзсиз бўйсунуш» ва «лакониқ нутқ» (қисқа ва аниқ фикрлаш) кўникмалари орқали шакллантирилган. Профилактика ва тузатиш методлари Спартада ўта шафқатсиз характерда бўлиб, болаларда чидамлилик ва маккорликни ривожлантириш учун улар атайлаб очлик ва совуқ шароитларида сақланган.

Ўсмирларнинг овқат ўғирлаши ва бунда қўлга тушган тақдирда қаттиқ жазоланиши, уларнинг ахлоқий жиҳати эмас, балки «эпчиллик» кўникмасининг етишмаслиги сифатида баҳоланган. Бу эса ҳуқуқий тарбиянинг ахлоқий эмас, балки функционал-ҳарбий самарадорликка йўналтирилганлигини кўрсатади. Тарбиянинг иккинчи босқичи эфебия (14–20 ёш) даврида вояга етмаганларни ҳақиқий жангчи сифатида шакллантиришнинг механизми криптиялар (илотларга қарши ҳужумлар) қўлланилган.

Бу жараёнда ўсмирларнинг буйруққа сўзсиз амал қилиши ва шафқатсизлиги синовдан ўтказилган бўлиб, у ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан шахсни тўлақонли фуқаролик мақомига тайёрловчи ўзига хос «қонли имтиҳон» вазифасини ўтаган. Спартада вояга етмаганлар ҳуқуқий маданиятининг институционал нуқтаси бўлган ирен мақомига эришиш ва ўттиз ёшдан сўнг тўлақонли фуқаролик ҳуқуқини қўлга киритиш жараёни шахснинг давлат манфаатлари йўлида ўз шахсиятидан тўлиқ воз кечишини англаган.

Ҳатто қизлар тарбиясида ҳам ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний камолот биринчи ўринга қўйилган бўлиб, улар бўлажак жангчиларнинг онаси ва зарурат туғилганда шаҳарни ҳимоя қилувчи куч сифатида ижтимоийлаштирилган. Шундай қилиб, Спарта тарбия тизими вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий онгини шакллантиришда давлатнинг институционал зўравонлиги ва жамоавий интизомига асосланган яхлит механизм бўлиб, у шахсни фақат давлатнинг бир воситаси сифатида кўришнинг тарихий намунасидир.

Спарта ва Афина таълим моделлари ўртасидаги асосий фарқ шундаки, Спарта (Агогэ) модели давлат манфаатларини шахсдан юқори қўйган ҳолда, қаттиқ давлат назорати ва интизоми остида фақат “жонли қурол” ва садоқатли ҳарбийларни тайёрлашга йўналтирилган бўлса, Афина модели шахс эркинлиги ва

ижодий салоҳиятга урғу бериб, кўп қиррали фуқаро ва санъаткорни шакллантиришни мақсад қилган.

Спарта таълимида жисмоний чидамлилик, аскетизм ва қаттиқ жазо чоралари асосий усул ҳисобланган бир пайтда, Афинада оилавий тарбия ва хусусий мактаблар тизими орқали мусиқа, фалсафа, риторика ва гимнастиканинг уйғунлигига асосий эътибор қаратилган. Бинобарин, ҳуқуқий маданият бу шунчаки қонунларни билиш эмас, балки қонунга итоат қилиш кўникмасининг шаклланганлигидир.

Антик даврнинг ушбу икки қутбли ёндашуви яъни Афинанинг гуманистик-гармоник модели ва Спартанинг қатъий давлат назоратига асосланган тизими кейинги даврлар давлатчилиги ва ҳуқуқий тарбия тизимлари учун концептуал пойдевор бўлиб хизмат қилди. Вақт ўтиши билан инсоният цивилизацияси Спартанинг репрессив методидан воз кечиб, Афинанинг шахс эркинлиги ва ички ишончга асосланган афинавий моделини халқаро андоза сифатида қабул қилди. Бугунги кунда вояга етмаганлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмлари айнан мана шу тарихий тажрибаларнинг трансформацион инъикосидир.

Мазкур ёндашувнинг тарихий-фалсафий илдизлари шуни кўрсатадики, Сукротнинг «майевтика» усули замонавий профилактик суҳбатларнинг чуқур когнитив пойдевори бўлиб хизмат қилади, у профилактика инспекторига шахснинг ички дунёсидаги ҳуқуқбузарликка мойилликни оддий босим эмас, балки тизимли диалог орқали трансформация қилиш ва шахсда мустақил ҳуқуқий хулосаларни «дунёга келтириш» (интроспекция) имконини беради, Аристотелнинг «барвақт профилактика» концепцияси эса жиноятнинг оқибати билан эмас, балки унинг ижтимоий ва психологик илдизларини дастлабки босқичдаёқ бартараф этиш зарурлигини уқтириб, бугунги халқаро ҳуқуқ нормалари ва давлатнинг превентив стратегияларидаги «жазодан кўра огоҳлантириш устуворлиги» тамойилининг концептуал мазмунини белгилаб берган.

Шу нуқтаи назардан, антик даврнинг энг илғор ғоялари бугунги кунда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва миллий қонунчиликнинг мафкуравий ўзагини ташкил этади.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва миллий қонунчиликда таъкидланганидек, бола шахсининг тўлақонли ва уйғун ривожланиши учун у оила муҳитида, бахт ва меҳр атмосферасида улғайиши зарур. Оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида давлат томонидан зарурий ҳимоя билан таъминланиши лозим бўлса-да, амалиётда мураккаб ҳаётини вазиятга тушиб қолган вояга етмаганлар билан ишлашнинг асосий юки профилактика инспекторлари зиммасига тушмоқда. Замонавий шароитда профилактика инспекторининг фаолияти нафақат маъмурий назорат, балки чуқур педагогик ва психологик билимларга асосланган жараёндир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, деликвент хулқ-атворли ўсмирларнинг ички дунёси муайян мафкуравий мазмун билан тўйинган бўлиб, у асоциал субмаданият кўринишида намоён бўлади. В.А. Анфиногенов таъкидлаганидек, ушбу субмаданият жиной олам анъаналарини трансформация қилган ҳолда ўсмирлар онгига ўз қадриятлар тизимини сингдиради⁴⁴. Унинг белгилари сифатида давлат органларига ишончсизлик ва “жиной романтика”га мойилликни кўрсатиш мумкин.

Вояга етмаганлар билан ишлашда В.А. Сухомлинскийнинг инсонпарварлик педагогикаси муҳим методологик аҳамиятга эга. Педагогнинг фикрича, таълим ва тарбия жараёнида боланинг руҳий саломатлигини асраш биринчи даражали вазифадир⁴⁵. Адолатсиз муносабат натижасида юзага келадиган дидактогения педагогнинг нотўғри сўзи ёки адолатсиз ҳаракати натижасида боланинг ҳали шаклланиб улгурмаган нозик асаб тизимига етадиган кучли руҳий зарба бўлиб, у ўзига хос «психологик тарсаки» вазифасини ўтайди.

Назарий жиҳатдан, бундай ташқи стресс бола руҳиятида ҳимоя механизминини ишга туширади: агар боланинг ички иродаси босимга бардош бера олмаса, у руҳан синиб, ўқиш ва атроф-муҳитга нисбатан мутлақо бефарқлик (апатия) ҳолатига тушади; аксинча, ички қаршилиқ кучли бўлган тақдирда, адолатсизликка нисбатан жавоб реакцияси сифатида устозига ёки жамиятга нисбатан нафрат ва тажовузкорлик (адоват) шаклланади. Оқибатда, таълим жараёнидаги бундай нотўғри услуб боланинг руҳий дунёсини жароҳатлаб, унинг келажақдаги характерини ва ижтимоий мослашувини буткул издан чиқариши мумкин.

Шу билан бирга, А.С. Макаренконинг жамоавий тарбия назарияси ҳуқуқбузарликка мойил ўсмирларни ижтимоийлаштиришда юқори самарадорликка эга. Макаренко тарбияни кенг ижтимоий муҳит таъсири деб билган ва вояга етмаган шахснинг жамоа олдидаги масъулиятини шакллантиришга урғу берган⁴⁶. Профилактика инспектори фаолиятида ўсмирларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, бу жараённи маънавий-сиёсий тарбия билан уйғунлаштириш лозим. Амалий тажриба шуни кўрсатадики, профилактика инспекторининг таълим муассасасида бевосита фаолият юритиши криминоген вазиятни соғломлаштиради. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва уларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш жараёни муайян иерархик изчилликка эга бўлган ташкилий-ҳуқуқий механизмга таянади. Ушбу механизмнинг биринчи босқичи ва концептуал пойдевори Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида ўз ифодасини топган.

Хусусан, Бош қомусимизнинг 77-моддасида давлат ва жамиятнинг болаларда миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқликни, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш тўғрисидаги ғамхўрлиги мустаҳкамланган. Бу норма

⁴⁴ Анфиногенов В.А. Идеологические особенности функционирования групп подростков-правонарушителей // Известия ДГПУ. – 2014. – №3.

⁴⁵ Сухомлинский В.А. Сердце отдаю детям. – М.: Педагогика, 1979. Стр. 38.

⁴⁶ Макаренко А.С. Педагогические сочинения: в 8 т. – М.: Педагогика, 1984. – Т. 4. Стр. 84.

профилактика инспектори фаолиятини шунчаки маъмурий назоратдан юқорироқ даражага ҳуқуқий ва маънавий тарбияни уйғунлаштирувчи педагогик жараён даражасига кўтариш учун олий ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Механизмнинг иккинчи босқичи конституциявий тамойилларни соҳавий қонунчилик даражасида аниқлаштириш билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг «вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддаси ички ишлар органларини ушбу тизимнинг марказий бўғини сифатида белгилайди. Бу ерда назарий муҳим жиҳат шундаки, ташкилий-ҳуқуқий механизм тушунчаси фақат жазо чораларини қўллашни эмас, балки ўсмирларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш орқали криминоген вазиятни барвақт жиловлаш жараёнини қамраб олади.

Демак, қонунчилик профилактика инспекторига вояга етмаган шахснинг ҳуқуқий дунёқарашига бевосита таъсир кўрсатиш ваколатини беради. Ниҳоят, механизмнинг учинчи босқичи норматив асосларнинг амалий-институционал трансформацияси бўлиб, у сўнгги йиллардаги тизимли ислохотларда намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-10-сон Фармони ва бошқа соҳавий қарорлари жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда инспекторнинг мақомини янги босқичга олиб чиқди. Бугунги кунда ташкилий механизмнинг энг самарали воситаси сифатида «маҳалла-мактаб-оила» занжири доирасидаги ҳамкорлик юзага келди. Бу занжир доирасида профилактика инспекторининг мактаб психологлари ва педагогик жамоа билан интеграциялашуви вояга етмаганлар ҳуқуқий онгини юксалтиришнинг назарий моделини амалий воқеликка айлантирди.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми 2024 йилда янги институционал босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида»ги Қонуни (ЎРҚ-917-сон) соҳадаги парламент назорати ва ҳуқуқий ҳимоя тизимини мазмунан янгилади.

Ушбу Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, Болалар омбудсмани давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга оширувчи мустақил институт сифатида белгиланди. Назарий жиҳатдан бу механизм профилактика инспектори фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш билан бир қаторда, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришда қўшимча кафолат вазифасини ўтайди.

Қонуннинг 10-моддасида Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани)нинг асосий вазифалари қаторида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятда иштирок этиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашиш алоҳида қайд этилган.

Бу эса профилактика инспектори ва Болалар омбудсмани ўртасидаги «вертикал ҳамкорлик» механизмини юзага келтиради. Айниқса, Қонуннинг 36-моддаси ташкилий-ҳуқуқий механизмнинг энг амалий қисми бўлиб, унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) билан ҳамкорлиги регламентланган. Унга кўра, болага қарши жиноятлар тўғрисида маълумот олинганда ёки жиноят иши қўзғатилганда, ички ишлар органлари бу ҳақда Болалар омбудсманини уч кун ичида ёзма равишда хабардор қилиши шартлиги белгиланди. Бу норма профилактика инспекторининг вояга етмаганлар билан ишлашдаги масъулиятини оширади ва ҳар бир ҳолатнинг жамоатчилик ҳамда парламент назорати остида бўлишини таъминлайди.

Шунингдек, Қонуннинг 20-моддасида Болалар омбудсманининг бола ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган жойларга (тарбия колониялари, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам марказлари) монеликсиз кириш ва мониторинг ўтказиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Бу механизм В.А. Сухомлинский назариясидаги бола шахсига нисбатан шафқатсиз муомаланинг олдини олиш ва «дидактогения» омилларини бартараф этишнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, 2024 йилдаги янги қонунчилик базаси вояга етмаганлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг ташкилий механизмини нафақат маъмурий, балки кучли назорат ва ҳуқуқий ҳимоя воситалари билан бойитди.

Болалар омбудсмани институти профилактика инспектори фаолияти билан уйғунлашган ҳолда, вояга етмаганлар учун давлатнинг ҳуқуқий ғамхўрлигини ифодаловчи муҳим бўғинга айланиб, конституциявий мақсадларнинг қонунчилик билан мустаҳкамланиши ва амалий ислохотлар билан бойитилиши вояга етмаганлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг яхлит ва мантиқий тизимини ташкил этди. Бу тизимда профилактика инспектори нафақат қонун ижрочиси, балки давлатнинг вояга етмаганлар ҳуқуқий тарбияси соҳасидаги стратегик мақсадларини амалга оширувчи асосий субъект сифатида намоён бўлмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, профилактика инспектори фаолиятини такомиллаштириш нафақат назоратни кучайтириш, балки ёшларни «жиноий субмаданият» ва бошқа деструктив ғоялардан ҳимоя қилувчи мафкуравий иммунитетни шакллантириш билан боғлиқдир. Бугунги маънавий таҳдидларга қарши фақатгина ҳуқуқий билим, миллий қадрият ва иродани мустаҳкамловчи тарбия тизими орқали самарали курашиш мумкин.

Эндиликда вояга етмаган шахсга шунчаки назорат объекти эмас, балки тенг ҳуқуқли шахс сифатида қараш, у билан ўзаро ишонч ва эмпатия асосида мулоқот ўрнатиш лозим.

Агар инспектор боланинг ички дунёсини тушуниб, унинг эҳтиёжларига тўғри йўналиш берса, боланинг ўзида ҳар қандай ёт ғояларга қарши мустаҳкам ғоявий иммунитетни шаклланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЁШ АВЛОДНИ ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМ ТАҲДИДЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 134-140.
2. Атажанов, Ў. М. (2025). МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА УНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ. Научный Фокус, 3(30), 119-126.
3. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ОСТИДАГИ ШАХСЛАР БИЛАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАНИНГ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 127-133.
4. АТАЖАНОВ, Ўткир Маматсалаевич, ЖАСУР, Ҳамидалиев Асадбек, et al. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ БОЗОР ОБЪЕКТЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ. Научный Фокус, 2025, vol. 3, no 30, p. 163-171.
5. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА ОБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 184-190.
6. Атажанов, Ў. М. (2025). ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ КРИМИНОЛОГИК САБАБЛАРИ ВА МАХСУС ПРОФИЛАКТИК ТАЪСИР ЙЎНАЛИШЛАРИ. Научный Фокус, 3(30), 191-197.
7. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич, and Ҳамидалиев Асадбек Жасур. "БОЗОРЛАР ҲУДУДИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 152-162.
8. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич, and Хуршид Жамшидович Найимов. "ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ." Научный Импульс 4.39 (2025): 703-709.
9. Атажанов, Ў. М. (2025). ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАР ТАҲЛИЛИ. Новости образования: исследование в XXI веке, 4(40), 18-24.
10. Адхамов, З. А. (2025). ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ НАЗОРАТ-ЛИЦЕНЗИЯ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(2-2), 165-172.
11. Мустофақулов Б. А. Ў., Шодмонов Д. Э. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ПАТРУЛ-ПОСТ ХИЗМАТИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ БЎЛИНМАЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central

Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. –
№. 4. – С. 47-51.